

УДК619:616.98:578.824.11

ҚОРАҚАЛПОГИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТУМАНЛАРИ ҲУДУДЛАРИДА 2012-2023 ЙИЛЛАР ДАВОМИДА ҲАЙВОНЛАР ОРАСИДА ҚУТУРИШ КАСАЛЛИГИ ЭПИЗООТОЛОГИЯСИ

Салимов Х.С, в.ф.д., профессор,
Зубайдов Ф.Ф. мустақил тадқиқотчи.
Ветеринария илмий-тадқиқот институти

Аннотация. В статье приведены результаты исследования по изучению распространения бешенства различных видов животных на всей территории Республике Каракалпакстан в разрезе районов за 2012-2023 годы.

Annotation. The article presents the results of a study on the spread of rabies of various animal species throughout the Republic of Karakalpakstan by region for 2012-2023.

Калит сўзлар: Қутуриши касаллиги, вирус, Қорақалпогистон, туман, ҳудуд, ит. мушук, қорамол, ёввойи ҳайвон, кемирувчи, эпизоотик вазият.

Долзарблиги. Қутуриш - ўта хавфли ўткир ўтувчи вирус касаллиги бўлиб, одам, барча тур сут эмизувчи иссиқ қонли ҳайвонлар бу касаллик билан касалланади. Касалликни нейротроп вирус келтириб чиқарди. Вирус касал ҳайвоннинг бош миясида кўпаяди ва сўлаги орқали ташқи муҳитга чиқади (5).

Касаллик вирусига ҳар турли ҳайвон турлича сезирликка эга. Вирусга ўта сезир бўлиб тулки, каламуш, сичқон, бўрилар ҳисобланади. Мушук, кўршапалак, сассиқ кузан, оғмахон, қуён, денгиз чўчқалари эса юқори даражада сезирликка эга. Ит, от, қўй, эчки, маймун ва одамлар вирусга ўртacha даражада сезир ҳисобланади. Ёш ҳайвонлар, ёши каттароқ ҳайвонларга нисбатан касалликга мойилроқ. Вирус асосан бош ва орқа мия хужайраларида ҳамда сўлакда бўлади. Касаллик асосан касал ҳайвон тишлагандаги сўлаги орқали юқади. Бу ерда шуни таъкидлаш жоизки, вирус касалликнинг яширин даврида, яъни унга хос клиник белгилар намоён бўлмасдан 10 кун олдин қутурадиган ҳайвоннинг сўлагида бўлади (5). Шунинг учун одам ёки соғлом ҳайвонларни ит, мушук, тулки, бўри каби ҳайвонлар, каламуш, сичқон каби кемирувчилар, қўлқанотлилар оиласига мансуб - ҳашаротхўр ва қон сўрувчи кўршапалаклар тишласа, уларда қутуриш аломатлари кўринишидан катъий назар тишланганлар албатта қутуришга қарши вакцина ва гипериммун қон зардоби ёки унинг маҳсали ҳисобланган гамма глобулин билан эмланиши шарт (1,2,3,5)..

Кейинги йилларда дунёда энг мураккаб эпизоотик ва эпидемиологик ҳолат қутуриш бўйича Осиё ва Африка қитъалари мамлакатларида кузатилмоқда. Бу ҳудудда касалликни асосий тарқатувчиси ит ҳисобланади ва итлар қутуришидан одамлар ўлими 95 % ни ташкил этади (6,7). Ушбу қитъаларнинг қарийб 100 га яқин мамлакатларда қутуриш доимо узлуксиз мавжуд бўлиб, Хитой ва Ҳиндистон ҳисобига касалликнинг учдан бир қисми тўғри келади. БЖССТ маълумотига кўра, жаҳонда итлар тарқатадиган қутуриш касаллигидан ҳар йили бутун дунё мамлакатларида 60-65 минг нафардан зиёд одамлар ва 1 млн. бошга яқин ҳар хил турдаги ҳайвонлар қутуриш касаллигидан қийналиб ўлади. Қутуришни назорат қилиш бўйича Глобал мониторингни кўрсатишича, дунёда ҳар куни 160 киши, ҳар 8 дақиқада 1 киши бу даҳшатли касалликдан вафот этади. Бу масала бўйича энг оғир вазият Ҳиндистонда юзага келган бўлиб, ҳар йили ўртacha 30 минг одам даҳшатли ўлим топади (4,6,8.).

Охирги вақтларда эпизоотик ҳолатни табиатда барқарорлигини сақлаб турган касаллик қўзғатувчилар резервуари ҳисобланган ёввойи ҳайвонлардан тулки, касалликни тарқатувчилар орасида эса, ит асосий ўринни эгалламоқда. Қутуришнинг табиий ўчоғида вирус резервуари бўлиб асосан ёввойи ҳайвонлар: итлар оиласининг - бўри, чиябўри, тулки,

шимол тулкиси, енотсимон ит ва бошқ., сувсарлар оиласининг - сувсар, бўрсиқ, сассиқкузан, сув сичқони ва бошқ., мушуклар оиласининг - силовсин ва бошқ. ва қўлқанотлилар оиласининг - ҳашаротхўр ва қон сўрувчи кўршапалаклар вакилари хизмат қилади. Бу ерда шуни таъкидлаш жоизки, қутуришнинг тарқалиш даражаси асосан айнан ўша худуддаги ёввойи ҳайвонларнинг сонига, уларнинг яшаш шароитига ва харакатига, жойнинг рельефига, дайди ит-мушукларнинг сонига, айниқса итларнинг қутуришига қарши эмланганлигига боғлиқ (6,7,8.).

Кўпгина олимларнинг фикрича, ҳайвонлар орасида қутуриш бўйича эпизоотик вазиятнинг мураккаблиги, минтақалар худудларида касалликнинг табиатда барқарорлигини таъминловчи ёввойи йиртқич ҳайвонларни яшashi учун қулай бўлган тоғлар, бўтазорлар, дарёлар, ариқ ва завурлар атрофидаги тўқайзорлар мавжудлиги ҳисобланади. (2,4,6,7,8,9.). Ушбу маълумотлар қутуриш бўйича узоқ вақт давомида мамлакатимизда энг носоғлом худуд ҳисобланган Қорақалпоқ Республикаси туманларида эпизоотик ҳолатни ўзига хос хусусиятларини чукур ўрганишга туртки бўлди деса бўлади.

Тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари. Юқорида таъкидланган муаммолардан келиб чиқиб, кишлоқ хўжалик, уй ва ёввойи ҳайвонлар орасида қутуриш касаллиги тарқалишининг ўзига хос хусусиятларини Қорақалпоғистон Республикаси худудларида ўрганиш қутуриш касаллиги бўйича ушбу тадқиқотларнинг асосий мақсади бўлиб ҳисобланади. Бу мақсадни бажариш учун стационар носоғлом табиий ўчоклар худудида (тоғ, тоғ олди, чўл, туқай ва қамишзор) яшовчи ёввойи ҳайвонларни қутуришга текшириш ва улардан эпизоотик вирус штаммларини ажратиш вазифалари қўйилган эди.

Тадқиқотнинг материал ва услублари. Тадқиқотнинг материали бўлиб, кўп йиллик давомида Қорақалпоғистон Республикаси худудларида ветеринария – санитария қоидаларига риоя қилган ҳолда келтирилган ёввойи ҳайвонларнинг (тулки, чиябўри, тўқай мушуги) боши хизмат қилди. Ёввойи ҳайвонларнинг бошлари ВИТИ вирусология лабораториясида махсус асбоблар ёрдамида очилди ва бош мия, мияча ва узунчоқ мия олиниб стерил идишга солинди. Бабеш ва Негри киритмаларини кўриш мақсадида миянинг амоново шохидан буюм шишаҷаларга суртма тайёрланди. Суртмани қотириш учун у 96 % спиртда 4-6 соат сақланди. Суртмалар С.Н. Муромцев усули билан бўялди ва оддий ёруғлик микроскопи остида текширилди. Микроскоп остида суртмаларда Бабеш-Негри киритмалари нейронлар цитоплазмасида кўринса, бундай материалда қутуриш вируси мавжуд деб хулоса қилинди. Суртмада Бабеш-Негри киритмалари кўринишидан катъий назар патологик материал иммунофлуоресценция реакциясида (ИФР) текширилди ва оқ сичқонларга биосинов қўйилди.

Тадқиқотнинг натижалари. Қорақалпоғистон Республикаси худудларида барча тур ҳайвонлар орасида қутуриш касаллиги эпизоотологияси ҳақидаги 2012-2023 йиллардаги маълумотларни таҳлили ҳар турли туманлар орасида касалликнинг тарқалиши бир хил эмаслигини кўрсатди (1-жадвал).

1-жадвалда келтирилган маълумотлардан маълум бўлмоқдаки, Қорақалпоғистон Республикаси худудларида 2012 ва 2013йилларда эпизоотик вазият қарийиб барқарор бўлган, 3 тадан носоғлом пунктда 3 бошдан ҳайвон – 2012 йилда Қанликўл тумани. худудида 1бош қорамол ва Кўнғирот туманининг 2 та манзилида 2 бош итда ҳамда 2013-йилда Кегайли, Нукус тумани., Нукус шаҳрида 1 бошдан итда қутуриш аниқланган.

2014-йилда ушбу Республика худудида иккинчи марта (1-марта 2011-йилда бўлган) энг яхши эпизоотик ҳолат аниқланган бўзиб, унда доимо қутуриш бўйича соғлом ҳисобланган Беруний туманида 2 та носоғлом манзилда 2 бош ит қутургани қайд қилинган. 2015-йил давомида Қорақалпоғистон Республикаси худудида 1 та носоғлом пунктда (Тўрткўл т.) 1 бош ит қутурган.

2016-ва 2017-йилларда қутуриш бўйича эпизоотик вазият қарийб барқарор бўлган, 2 тадан носоғлом пунктда 2 бошдан ҳайвон 2016-йилда Хўжайли ва Чимбой туманларида 1 бошдан итда ҳамда 2017-йилда Шуманай туманида 2 та манзилда 2 бош ит қутурганлиги лаборатория текширишларда рўйхатга олинган. Қорақалпоғистон Республикаси туманлари

худудларида барча тур ҳайвонлар орасида қутуриш касалигини тарқалиши кейинги 10 йил давомида энг мураккаб эпизоотик ҳолат 2018-йилда кузатилганлигини кўрсатди. Ўша йили ушбу Республика худудларида жами 11 та носоғлом пунктда 11 та ҳайвон, шу жумладан Амударё туманида. 2 та носоғлом пунктда 1 бош қорамол, 1 бош чиябўри, Кегейли, Тахиатош, Хўжайли туманларида 1 бошдан итда, Қораўзак туманида 4 та носоғлом пунктда 3 бош қорамолда ва 1 бош эшакда, Нукус шаҳарида 1 бош мушукда ҳамда Хўжайли туманида 1 бош қорамолда лаборатория диагностик текширишларда қутуриш қайд қилинди.

1-жадвал.

Йиллар	Амударё т.	Беруний т	Кегейли т.	Нукус т.	Тахиатош т.	Тўртқўл т.	Хўжайли т	Чимбой т.	Шуманай т.	Қанликўл т..	Қораўзак т.	Кўнғирот т.	Нукус ш.	Жами:
2012	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	-	2	-	3
2013	-	-	1	1	-	-	-	-	-	-	-	-	1	3
2014	-	2	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	2
2015	-	-	-	-	-	1	-	-	-	-	-	-	-	1
2016	-	-	-	-	-	-	1	1	-	-	-	-	-	2
2017	-	-	-	-	-	-	-	-	2	-	-	-	-	2
2018	1	-	2	1	2	2	-	-	-	4	-	1	11	
2019	-	-	1	-	-	1	-	1	-	3	-	-	-	6
2020	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1	-	-	-	1
2021	-	-	-	-	1	-	-	-	-	-	-	-	-	1
2022	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	1
2023	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-	-
Жами	1	2	4	1	2	1	4	1	3	1	8	2	2	32

2012-2023 йиллар давомида Қорақалпоғистон Республикаси туманлари худудларида барча тур ҳайвонлар орасида қутуриш касаллигига текшириш натижалари

2019-йилда қутуриш бўйича эпизоотик вазият яхши томонга бурилган ва ушбу минтақада жами 6 та носоғлом пунктда 6 бош ҳайвон, шу жумладан Кегейли туманида 1 бош эшак, Хўжайлида 1 бош, Қораўзак туманида 2 бош ит ва 1 бош қорамолда ва Шуманай туманида 1 бош чиябўрида қутуриш аниқланган. Кейинги 2020 ва 2021-йилларда фақат 1 тадан туманда: мос равишда Қораўзакда 1 бош қорамолда ва Тахиатош туманида 1 бош итда қутуриш аниқланди. 2022 ва 2023-йилларда Қорақалпоғистон Республикаси худудларида қутуриш касаллиги бирор тур ҳайвонда лаборатория диагностик текширишлар натижасида аниқланмади.

Шундай қилиб, Қорақалпоғистон Республикаси туманлари худудларида барча тур ҳайвонлар орасида қутуриш касаллигининг тарқалиши ҳақидаги 2012-2023-йиллардаги маълумотларни таҳлили касалик ўрганилган манзилларда бир хил эмаслиги аниқланди. Ҳайвонлар орасида қутуриш бўйича энг мураккаб эпизоотик ҳолат охирги 11 йил давомида Қораўзак (8 та), Кегейли ва Хўжайли туманларида (4 тадан) қайд қилинган. Шуманайда (3 тадан), Нукус ш, Беруний, Тахиатош, Кўнғирот, туманларида (2 тадан) Амударё, Чимбой, Тўртқўл, Қанликўл туманларида (1 тадан) қутуриш касаллиги аниқланди.

2012-2013-йиллар давомида 3 тадан носоғлом пунктда 3 бошдан ҳайвон, 2013-йилда учаласи ҳам ит, 2012-йилда эса 2 бош ит (66,67%) ва 1 бош (33,33 %) қорамол қутургани қайд қилинди. 2014-йилда Республика туманлари худудида 2 та қутуриш бўйича носоғлом пунктда 2 бош ит қутурганлиги қайд этилди. 2015-йилда қутуриш бўйича эпизоотик ҳолат

янада яхши томонга ўзгариб, биринчи марта битта носоғлом пунктда бир бош итда кутуриш аниқланди. 2016-2017-йиллар давомида 2 тадан носоғлом пунктда 2 бошдан итда кутуриш рўйхатга олинди. 2018-йилда ушбу худудларда кутуриш бўйича ҳолат кескин мураккаблашиб, унда 11 та носоғлом пункт қайд этилган бўлиб, уларда 11 ҳайвон қутургани рўйхатга олинди. Аниқланган 11 кутуриш ҳолатининг 3 таси (27,27%) итларга, 4 таси (36,36%) қорамолларга, 2 таси (18,18%) ёввойи ҳайвонларга ва 1 бошдан (9,09%) мушук ва эшакка тўғри келди. 2019-йилда кутуриш бўйича эпизоотик вазият 2018-йилга нисбатан қарийиб 2 баробар камайди ва 6 та носоғлом пунктда 6 бош ҳайвон қутургани аниқланди. Улардан 3 боши (50%) итда, 1 бошдан (16,67%) қорамол, эшак ва ёввойи ҳайвонларда кутуриш рўйхатга олинган. 2020-2021-йилларда фақат 1 тадан пунктда 1 бошдан қорамол ва ит кутургани аниқланди.

Шундай қилиб, 2-жадвал маълумотларини тахлили шуни кўрсатмоқдаки, Қорақалпоғистон Республикаси худудларида 10 йил (2012-2022 й.) давомида 31 бош ҳар турдаги ҳайвонлар қутурган. Шу давр давомида 18 бош (58,064%) ит, 7 бош (22,58%) қорамол, 3 бош (9,68%) ёввойи ҳайвонлар, 4 бош мушук, (3,2%) 1 бош ва 2 бош эшак (6,45%) ушбу касаллик билан касаллангани қайд қилинди. Демак, барча тур ҳайвонлар орасида энг кўп кутуриш итларда (58,064 %) учрайди, кейинги ўринларни қорамол (9,68 %), ёввойи ҳайвонлар (9,68%) ва мушуклар (3,2%) эгаллайди. Энг кам кутуриш эшакларда учраши аниқланди. тую, от ва қўйлар орасида кутуриш умуман кузатилмади.

2-жадвал.

Қорақалпоғистон Республикаси туманлари худудларида ҳайвонлар орасида

Ҳ-нлар тури	2012	2013	2014	2015	2016	2017	2018	2019	2020	2021	2022	2023	Жами	
Ит	2	3	2	1	2	2	3	3	-	1	-	-	19	59,37%
Мушук	-	-	-	-	-	-	1	-	-	-	-	-	1	3,2%
Қорамол	1	-	-	-	-	-	4	1	1	-	-	-	7	22,58
Эшак	-	-	-	-	-	-	1	1	-	-	-	-	2	6,45%
Ёввойи ҳ-нлар	-	-	-	-	-	-	2	1	-	-	-	-	3	9,6 %
Жами	3	3	2	1	2	2	11	6	1	1	-	-	32	100%

кутуриш касаллиги билан касалланиш даражаси бўйича 2012-2023 йиллардаги текшириш натижалари

Қорақалпоғистон Республикасининг Мўйноқ, Элликқала ва Бўзатов туманларида, текшириш ўтказилган давр давомида кутуриш касаллиги умуман рўйхатга олинмади.

Шундай қилиб, Қорақалпоғистон Республикаси худудларида 2012-2023 йиллар давомида барча тур ҳайвонлар орасида кутуриш бўйича эпизоотик ҳолатни ўрганиш натижасида ушбу минтақанинг 16 та туманларидан фақат 12 тасида касаллик рўйхатга олинганлиги ва Мўйноқ, Элликқала, Бўзатов туманлари, кутуришдан ҳоли эканлиги аниқланди.

Хулосалар:

1. Қорақалпоғистон Республиканинг барча туманлари худудларида кутуриш касаллигини ҳайвонлар орасида тарқалишини 2012- 2023 йиллар давомида ўрганиш натижасида ушбу минтақанинг Мўйноқ, Бўзатов ва Тахтакўпир туманларидан ташқари барча туманлари ва Нукус шаҳрида касаллик қишлоқ хўжалик, уй ва ёввойи ҳайвонлар орасида ҳар йили рўйхатга олиниши аниқланди.

2. Лабораториявий текшириш натижасида кутуриш бўйича энг мураккаб эпизоотик ҳолат Нукус шаҳрида кузатилган бўлиб, унда текшириш ўтказилган 11 йил давомида (2012-2023 й.) 19 бош ит, 7 бош қорамол, 3 бош ёввойи ҳайвон, 2 бош эшак ва 1 бош мушук кутургани аниқланди.

3. Қораўзак, Кегейли, Хўжайли ва Шуманай туманлари ҳудудида 2012-2023 йиллар давомида нисбатан кўпроқ - мос равища 8 та, 4 та, 4 та ва 3 та носоғлом пунктларда шунчадан турли ҳайвонлар ва Амударё, Нукус, Тўрткўл, Чимбой ва Қанлиқўл туманларида энг кам носоғлом манзил (1 тадан) ҳайвон қутурган холос.

4. Қорақалпоғистон Республикаси туманлари ҳудудларида барча тур ҳайвонлар орасида охирги 11 йил (2012-2023й.) энг кўп қутуриш (59,37%) итларда учраши, кейинги ўринларни қорамол (22,58%), ёввойи ҳайвонлар (9,68%), эшаклар (6,45%) ва энг кам мушуклар (3,2%) эгаллаши аниқланди. Шу давр (11 йил) мобайнида от, туя ва қўйлар орасида қутуриш умуман рўйхатга олинмади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Бардина Н.С., Титов А.К., Караполов А.К., и др. Бешенство в России: информ. аналит. обзор ФГУ ВНИИЗЖ. –Владимир, 2008. -80 с.
2. Ведерников В.А. Обзор эпизоотической ситуации по бешенству Российской Федерации в 2007 году и первом полугодии 2008 года. // М., 2008. - С. 3-14.
3. Груздев К.И., Недосекаев В.В. Бешенство животных: М.: «Аквариум»-ЛТД» -2001.- 304 с.
4. Дедков В.Г., Девяткин А. А., Полещук Е. М. и др. Разработка и апробация набора реагентов для определения РНК классического вируса бешенства методом ОТ-ПЦР в реальном времени. // Вопросы вирусологии. - 2016. № 61 (5). - С. 235-240
5. Салимов Х.С., Қамбаров А.А., Салимов И.Х. Эпизоотология ва инфекцион касалликлар. Дарслик. “Lesson press” нашриёти. -Тошкент-2021.-133-140 б.
6. Самуйленко А.Я. и др. Инфекционная патология животных-Москва. ИКЦ “Академкнига”-2006. -290-320 с.
7. Селимов М.А. Современные достижения в области радиологии.// - М., 1987. - С.69-112.
8. Сидоров Г.Н., Полещук Е.М., Сидорова Д.Г. Природные очаги бешенства в России в XX - начале XXI веков. // Ветеринарная патология.- 2004. - № 3. - С. 86-101.
9. Castrodale J. Rabies in a Puppy Imported from India to the USA, March 2007. // Zoonoses & Public Health, Oct-Dec. - 2008. - Vol. 55. - Issue 8-10. -P. 427-430.
10. Салимов, Х. (2022). Проблемы профилактики и борьбы с бешенством у животных. *Перспективы развития ветеринарной науки и её роль в обеспечении пищевой безопасности*, 1(1), 258-262.
11. Газнакулов, Т. К., Орипов, А. О., Сафаров, А. А., Хушназаров, А. Х., Давлатов, Р. Б., Абдухакимов, Ш., & Мавланов, С. (2023). ХС Салимов, МК Бутаев, ЗЭ Рузиев,– Биохавфсизлик.
12. Salimov, X. S., & Qambarov, A. A. (2016). Epizootologiya. darslik Toshkent, 28.
13. Kh, K. S. (2021). Biology, Ecology, Morphology And Epizootological Characteristics Of Sheep Moniesis. *The American Journal of Veterinary Sciences and Wildlife Discovery*, 3(03), 8-14.
14. Salimov, H. S., & Kambarov, A. A. (2016). Epizootiology, textbook.
15. Salimov, X. S., Qambarov, A. A., & Salimov, I. X. Epizootologiya va infekzion kasalliklar” darslik 2021 yil. F. Nasimov nashriyoti.
16. Салимов, Х. С., & Қамбаров, А. А. (2016). " Эпизоотология". Тошкент-2016 й, 445-458.
17. Салимов, Х. С., & Сайиткулов, Б. С. (2012). Менглиев FA Куйдириги ўчокларини картограммага киритишда уларни кадастр қилиш аҳамияти. Ж. Зооветеринария–Тошкент, 7, 31-32.
18. Salimov, X. S., & Qambarov, A. A. Epizootologiya O ‘zbekiston Respublikasi Qishloq va suv xo ‘jaligi vazirligi o ‘quv uslubiyat markazi oliy o ‘quv yurtlarining veterinariya fakulteti talabalari uchun darslik sifatida tavsiya etilgan. Toshkent-2016, 404-409.

19. Salimov, I., Salimova, D., Salimov, H., Xudjamshukurov, A., & Qambarov, A. (2024). Specific prevention of emphysematous carbuncle of cattle and sheep. In *BIO Web of Conferences* (Vol. 95, p. 01036). EDP Sciences.
20. Tairov, J., & Salimov, K. (2023). Cultural, biochemical, and pathogenic properties of *Escherichia coli* isolated from birds. In *E3S Web of Conferences* (Vol. 452, p. 01023). EDP Sciences.
21. Салимов, Х., Менглиев, А., & Салимов, И. (2022). Лечение и профилактика эфемерной лихорадки крупного рогатого скота. *Перспективы развития ветеринарной науки и её роль в обеспечении пищевой безопасности*, 1(2), 328-332.
22. Крикун, В. А., Салимов, Х. С., Петровский, Г. С., Сноз, Г. В., Меньшикова, З. Н., & Иткин, Б. З. (1982). Вирусологические и морфологические исследования животных, экспериментально зараженных онковирусом крупного рогатого скота. In *Актуальные вопросы патологоанатомической диагностики болезней животных* (pp. 260-262).
23. Salimov, K. S. (1979). Immunological properties of bovine type C oncornavirus.
24. Krikun, V. A., Salimov, K. S., Petrovskii, G. S., Men'shikova, Z. N., Kumkov, V. I., Shishkov, V. P., & Itkin, B. Z. (1979). Immune response of calves and lambs experimentally infected with bovine oncivirus.
25. Salimov, K. S., Rakhimov, T. K., & Shevchenko, T. N. (1979). On the differentiation of leukosis from piroplasmid infections in cattle.
26. Salimov, K. S. (1978). Reaction of bovine oncornavirus antigen in the immunodiffusion test.
27. Salimov, K. S. (1978). Studies of the oncornavirus antigen in the immuno-diffusion reaction. In *Doklady*.
28. Salimov, K. S. (1973). Antigenic effects of leucotic tissues from cattle and mice.
29. Salimov, K. S. (1973). Antigenic composition of leucotic and embryonic tissues of cattle.
30. Laktionov, A. M., Salimov, K. S., & Glezer, I. M. (1972). A study of cell antigens from lymph-nodes and spleen of leucotic cows, by the method of gel immunoelectrophoresis.
31. Менглиев, А. С., Менглиев, Г. А., Сайткулов, Б. С., & Салимов, Х. С. К ВОПРОСУ ПРОФИЛАКТИКИ СИБИРСКОЙ ЯЗВЫ ЖИВОТНЫХ В УЗБЕКИСТАНЕ. *ББК 74.58 С30*, 3.
32. Газнакулов, Т. К., Орипов, А. О., Сафаров, А. А., Хушназаров, А. Х., Давлатов, Р. Б., & Абдухакимов, Ш. & Мавланов, С. (2023). *ХС Салимов, МК Бутаев, ЗЭ Рузиев*. –Биохавфсизлик.
33. Рузимуродов, М., & Улугмурадов, А. (2020). Некоторые вопросы изучения бруцеллеза в Узбекистане. *in Library*, 20(3), 1-6.
34. Рузимуродов, М., Ахмадалиева, Л., & Улугмурадов, А. (2019). Анализ способов диагностики бруцеллоза у овец и коз и препаратов для проведения противобруцеллённых мероприятий. *in Library*, 19(3), 389-392.
35. Рузимуродов, М., Улугмурадов, А., Саттаров, У., & Сайдов, А. (2019). Меры борьбы и профилактики бруцеллеза животных в животноводческих хозяйствах. *in Library*, 19(2), 60-62.
36. Khatamov, A. K., & Salimov, H. S. Results of a Study to Determine the Lethal Doses (Ld100 and Ld50) of *S. Typhimurium* in Experiments on Laying Chickens. *International Journal on Integrated Education*, 4(1), 164-168.
37. Давлатов, Р. Б., Насимов, Ш. Н., Ниёзов, Х. Б., Жабборов, Ш. А., Хўджамшукуров, Ш. А., & Сафаров, Х. А. (2019). Парранда касалликларини профилактикаси ва даволаш бўйича ТАВСИЯЛАР. *Тошкент-2019*, 21-26.
38. Давлатов, Р. Б., Салимов, Х. С., & Худжамшукуров, А. Н. (2018). Парранда касалликлари" ўқув қўлланма Самарқанд.
39. Давлетов, Р. Б., Салимов, Х. С., & Тоиров, Ж. Э. (2019). ЧУВСТВИТЕЛЬНОСТЬ КОЛИБАКТЕРИОЗА ПТИЦ К АНТИБИОТИКАМ. In *СОВРЕМЕННОЕ СОСТОЯНИЕ, ТРАДИЦИИ И ИННОВАЦИОННЫЕ ТЕХНОЛОГИИ В РАЗВИТИИ АПК* (pp. 39-44).
40. Давлатов, Р. Б., Салимов, Х. С., & Хўджамшукуров, А. Н. (2018). Паррандалар касалликлари. *Ўқув қўлланма, Самарқанд-2018*, 10.